...КУТУБХОНАСИ
...тадқиқотлар институти

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 101 (9.598) 2001 йил 29 август, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

**БУГУН**

*Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси ўз ишини бошлади*

10 Шу азиз Ватан – барчамизники!

# ТОШКЕНТНИНГ ЕР ОСТИ КОШОНАЛАРИ ОЛТИТАГА КЎПАЙДИ



**Ўзбекистон номи тилга олинганда, фақат деҳқончилик хаёлга келадиган даврлар аллақачон ортда қолди. Ҳадемай энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақилликнинг ўн йиллигини кенг нишонлаймиз. Шундай кутлуғ сана арафасида ишга тушаётган янги-янги иншоотлар сирасига яна биттаси қўшилди. Метросозларимиз пойтахт ерости транспорти инфратузилмасини сезиларли даражада кенгайтирди. Метрополитеннинг учинчи қисми — «Ойбек» бекатидан хушҳаво Юнусобод мавзеси томон янги йўналиш очилди.**

Метро шаҳар жамоат транспорти ичида энг қулайи ҳисобланади. Йирик шаҳарларда йўловчиларнинг узоғини яқин қиладиган барча транспорт тури ҳам метро поездларидек қатъий тартиб билан қатнаши қийин. У иссиқда ҳам, совуқда ҳам, қору ёмғирли кунларда ҳам беминнат хизмат қилади. Энг муҳими, йўлида ҳеч қачон тиғизлик юзага келмайди.

28 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов метрополитеннинг янги қисми — Юнусобод йўналишининг биринчи навбатида бажарилган ишларни бориб кўрди.

Айни вақтга қадар мазкур йўналишнинг 7,61 километр масофага чўзилган ҳудудида катта кўламдаги қурилиш ишлари бажарилиб, олтита бекат фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Булар «Мингўрик», «Юнус Ражабий», «Абдулла Қодирий», «Минор», «Бодомзор», «Ҳабиб Абдуллаев» бекатларидир. Уларнинг ҳар бирига ўзига хос ва мос равишда сайқал берилган. Айни пайтда «Минор»да янги йўналишнинг муҳандислик корпуси жойлашган. Бу ерда компьютерлар ёрдамида поездларнинг ҳаракати, электр таъминоти, шабадалаштириш ишлари бошқарилади.

Метросозларимизнинг бу каби фидокорона меҳнати давлатимиз томонидан муносиб қадрланмоқда. Куни кеча Президентимизнинг Фармони билан соҳанинг бир гуруҳ илғор вакиллари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Давлатимиз раҳбари мазкур йўналишнинг энг муҳташам ерости қасрларидан бири — «Мингўрик» бекати орқали метрога тушди.

Президентимиз заҳматкаш метросозларнинг порлоқ меҳнати самарасини кўздан кечирар экан, бекатларни қуриш ва безаш ишларида асосан маҳаллий ашёлардан фойдаланилганига эътибор қаратди.

Бекатларга меъморликнинг шарқона услубларида зеб бериш учун ерости устунлари, девор ва юриш йўлакларида мармар тошларнинг «Зарбон», «Ғазғон», «Габро» каби ўндан ортиқ тури ишлатилган.



Бу йўналишнинг яна бир қулай жиҳати шундаки, бекатлар метронинг ҳар уч йўлини бир-бирига бевосита туташтиради. «Мингўрик» бекати метрополитеннинг иккинчи йўналиши — «Ўзбекистон»а йўлининг «Ойбек» бекатига ўтишни таъминласа, «Юнус Ражабий» бекатидаги 140 метрли ўтиш йўли тўғри «Чилонзор» йўлининг «Амир Темур» бекати платформасига олиб чиқади.

Президент Ислом Каримов Бош вазир ўринбосари А. Исаев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа мутасаддилар ҳамроҳлигида янги поездга ўтириб, «Ҳабиб Абдуллаев» бекатигача борди ва шу ерда журналистларга интервью берди.

— Ўзбекистонда метро қурилиши бошланганида, — деди давлатимиз раҳбари, — эшитганлар ҳайратга тушган эди. Сейсмик жиҳатдан ўта мураккаб бўлган шаҳарда ерости транспорти қатновини йўлга қўйиш, улар назарида, ақл бовар қилмайдиган иш эди. Лекин олимларимиз барча мавжуд омилларни ҳисоб-китоб қилиб, лойиҳалаштирди ва метронинг фойдалилигини исботлади. Тошкент метрополитени қурилишида, айниқса, Шароф ака Рашидовнинг ҳиссаси беқиёс бўлган. У Москвадаги амалдорларни шу ишга розилик беришга кўндира олган. Янги станцияларни кўздан кечирар эканман, аввало, бу ишларни бошлаб берган ана шу инсоннинг заҳматию ғайрати ёдимга тушди.

Истиқлолимизнинг илк даврида олдимизда жуда кўп мураккаб масалалар кўндаланг турарди. Мамлакатни, деярли, бутунлай қайтадан қуриш, ҳар томонлама тиклаш лозим эди. Шундай оғир шароитда ҳам биз бўш келмадик, метро қурилиши борасидаги лойиҳаларни тўхтатмадик. Бунинг натижаси ўлароқ, бугун бир-биридан гўзал олтита бекат фойдаланишга тахт бўлди. Бунинг учун, аввало, метросозлар, умуман, мазкур қурилиш ишларига ҳисса қўшган барча корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчиларига таҳсин айтмоқ керак. Янги йўналишдаги қурилиш ишларининг 24-25 фоизи шу йилнинг сўнгги саккиз ойи мобайнида бажарилди. Бундай шароитда ҳисоб-китобни ўрнига қўйиб, бошлаган ишни қатъият билан охирига етказишнинг ўзи катта жасоратдир. Фурсатдан фойдаланиб, Тошкент шаҳри аҳлини, бутун Ўзбекистон халқини бу тарихий воқеа билан муборакбод этаман. Аминманки, Тошкент метроси юртдошларимизнинг ифтихори, ғурурига айланиб қолади.

**Анвар БОБОЕВ,**
**Ўктам ДЎСТЁР,**
**(ЎзА).**

**СУРАТДА: танишиш пайтидан лавҳа.**
**Фарҳод Курбонбоев (ЎзА) олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишининг биринчи навбатини бунёд этишда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

**Тошкент метрополитенининг навбатдаги йўналишини бунёд этишдаги фидокорона меҳнати, илғор технологик усуллардан, фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиб, туннеллар ва бекатларнинг сифатли қурилишини таъминлашга, транспорт тизимини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:**

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»**

**Испандиёров Ёқубжон Ахмадиёрович** — «Тошметроқурилиш» тресги 2-туннел отрядининг проходкачиси

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»**

**Тахиров Рустам Кабулович** — Тошкент метрополитени бош муҳандиси

***Пойтахтимизнинг транспорт тизимини ривожлантириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишининг биринчи навбатини барпо этишга қўшган салмоқли ҳиссаси, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги жонкуярлиги, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:***

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Вархатов Георгий Павлович** — Тошкент метрополитени бошлиғининг ўринбосари — дирекция бошлиғи

**Гафуров Кобылжон Артыкович** — «Тошметроқурилиш» тресги 2-қурилиш-монтаж бошқармаси бригада бошлиғи

**Макаров Михаил Владимирович** — «Тошметроқурилиш» тресги 1-қурилиш-монтаж бошқармаси проходкачиси

**«Дўстлик» ордени билан**

**Акбаров Турғунжон** — «Тошметроқурилиш» тресги 2-туннел отрядининг бригада бошлиғи

**Байсеитов Уралбек Арчабекович** — Тошкент метрополитени йўл ва ер ости иншоотлари хизматининг катта йўл устаси

**Канунова Александра Ивановна** — «Тошметроқурилиш» тресги «Махсусметроқурилиш» бошқармасининг сувоқчиси

**Криволапов Анатолий Михайлович** — «Тошметроқурилиш» тресги 2-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи

**«Шуҳрат» медали билан**

**Гумеров Абдулхақ Асадуллаевич** — Тошкент метрополитени электромеханика хизмати эскалатор дистанцияси бошлиғи

**Игамбердиев Абдурахмат** — «Тошметроқурилиш» тресги 2-туннел отрядининг проходкачиси

**Мазов Владимир Александрович** — Тошкент метрополитени электр таъминот хизматининг катта электромеханиги

**Нигманов Абдуруман Абдурауфович** — Тошкент метрополитени Чилонзор электродепоси бошлиғи

**Шадманов Миррустам Вахидович** — «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари

**Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан**

**Богачев Михаил Павлович** — «Тошметроқурилиш» тресги механизациялаш бошқармасининг юкловчи трактор ҳайдовчиси

**Солихўжаев Шокир Тўраевич** — «Тошметроқурилиш» тресги бошқарувчиси

**Юлдашев Аскар Кучкарович** — Тошкент метрополитени «Ўзбекистон» электродепоси машинисти

**Кудайбергенов Бабир Ахметжанович** — «8-темир бетон маҳсулотлари заводи» очиқ акциядорлик жамияти 2-цехининг қолипловчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2001 йил 27 август.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

***Мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш кадрларни тайёрлаш, тиббиёт соҳасини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:***

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист”**

**Максудов Алижан Абдуллаевич** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — терговбошқармаси бошлиғи

**Назаров Қозоқбой** — Жиззах вилоят прокуратураси прокуратура идораларида терговни назорат қилиш бўлими прокурори

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими”**

**Исмаилова Шахноза Махмудовна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”**

**Рихсиева Муборок Хикматовна** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Тошкент солиқ коллежи бошлиғининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

**Шигаев Наиль Ханафиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи”**

**Гадоев Эркин Файзиевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими”**

**Захаров Алексей Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

***Мамлакатимизнинг иқтисодиётини юксалтириш, унинг мудофаа қудратини ошириш, миллий хавфсизлигини таъминлаш ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси, Ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилишда кўрсатган фидоийлиги ва мардлиги, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:***

**“Меҳнат шуҳрати” ордени билан**

**Нуритдинов Низомитдин Икромович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиси

**Шораҳметов Шоакбар Шорустамович** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институти "Фуқаролик жараёни" кафедраси мудири

**I даражали “Шон-шараф” ордени билан**

**Касымов Тулкун Юлдашевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг бошлиғи

(Давоми 2-бетда)

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, Тошкент шаҳридан қуйидагилар давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлдилар.**

**Мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини ошириш, илғор фан-техника ютуқларига таянган ҳолда қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ва ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги фидокорона меҳнати ва эришган муваффақиятлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаоллик намунасини кўрсатганлиги учун қуйидагиларга Фахрий унвонлар берилди:**

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими”**

**Абдурахманов Алишер Абдумананович** — Юнусобод тумани "Технолог" очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

**Колядин Виктор Фёдорович** — "В.Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамияти пардозловчиси

**Хасанов Анвар Умарович** — "Ўзавтосаноат" уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари

(Давоми 2-бетда)

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов **кеча** Оқсаройда Япония парламенти Вакиллар палатаси депутати Цутому Хатани қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Учқудуқ-Мискин-Султон Увайстоғ» темир йўли қурилишида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига давлат, ҳукумат, халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан дил сўзлари изҳор этилган табрик телеграммалари кела бошлади.

● **Кеча** Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишланиб ўтказилаётган «Шу азиз Ватан — барчамизники!» шиори остида Тошкент вилояти фестивали очилди.

● Давлат матбуот қўмитасига қарашли «Ўзбекистон» нашриёти Ватан мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб ўзбек, инглиз ва рус тилларида «Ўзбекистон юксалиш йўлида» мавзуидаги альбомни нашрдан чиқарди.

● Андижонда Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.

● **Кеча** Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашида пойтахт жамоатчилиги вакилларининг Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ва ваколатхоналари ходимлари билан байрам учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу учрашув Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн йиллик санасига бағишланди.

● Мамлакатимизда бошланган Япония маданияти кунлари муносабати билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрида «Юдзуру» («Тунги турна») операсининг премьераси бўлиб ўтди.

● Наманганлаги Бобур номидаги истироҳат боғида Мустақиллик байрами арафасида Хотира хиёбонининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

● Мўйноқда янги касб-ҳунар коллежи ишга тушди. Шу муносабат билан бу ерда тантанали маросим ўтказилди.

● Истиқлол байрами арафасида Бухоро туманидаги 47-кўчма механизациялашган жамланма қурувчилари Галаосиё шаҳри яқинида пахтани қайта ишлаш заводи қурилишини ниҳоясига етказдилар. Завод йилига 40 минг тонна хом ашёни қайта ишлаш қувватига эга.

● Чироқчи тумани марказида тижорат бозори қурилиши тугалланди.

● Миллий матбуот марказида «Энг улуғ, энг азиз» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танлов ғолибларига мукофотларни Ўзбекистон Қаҳрамони, танлов ҳайъатининг раиси Абдулла Орипов топширди.

● Қарши шаҳрида ўтказилган ёш оналарнинг вилоят кўрик-танлови Оналар ва болалар йилига бағишланди.

● Вьетнам Социалистик Республикасининг Тошкентдаги элчихонасида ушбу мамлакат Мустақиллигининг 56 йиллиги санасига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Вьетнамнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Нгуен Куок Бао сўзга чиқди.

● **Кеча** Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллик тўйига бағишлаб чиқарилган почта маркалари кўргазмаси ва тақдимотини пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида ўтказди.

### Жаҳонда

● Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги элчихонаси мамлакат аҳолиси ўртасида ўзбек тилини энг яхши билиш юзасидан танлов ўтказди. Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланиб ўтказилган ва икки босқичда бўлиб ўтган тадбирлар дастури доирасида ўзбек тилини биладиган 35 киши иштирок этди.

● **Кеча** Москвада Россия Президенти В. Путиннинг Иордания қироли Абдуллоҳ II билан учрашуви бўлиб ўтди. Улар икки мамлакат ҳарбий-техника, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлиги муаммоларини муҳокама қилдилар. Музокараларда Яқин Шарқ ва Ироқдаги вазиятга ҳам алоҳида ўрин берилди.

● **Бугун** НАТО Бош котиби Ж. Робертсон албан исёнчиларини қуролсизлантириш жараёнида иштирок этиш учун Македонияга келади. У шунингдек, Македония раҳбарияти билан учрашади.

● Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов шу йилнинг октябрь ойида ўтказиладиган Каспий давлатлари саммити қолдирилишини айтди.

● Душанбеда Тожикистонда ўлим жазоси тўғрисидаги масалага бағишланган «Давра суҳбати» ўз ишини ниҳоясига етказди.

● Нигерия жанубида 19 нафар хорижий нефтчи-ишчилар гаров сифатида қўлга олиндилар.

● Ироқ армияси вакиллари ўзларининг ҳаво ҳужумидан мудофаа хизмати аскарлари томонидан АҚШнинг жосуслик самолёти уриб туширилгани ҳақида хабар тарқатдилар. АҚШ разведка самолёти Басра ҳудуди устида жосуслик хизматини ўтаётган эди, дейди қуролли кучлар вакили. У АҚШнинг Югославияда қирғинлар пайтида фойдаланган самолётлари каби янги самолёт эди. Америка томони эса мазкур хабар хусусида ҳали лом-мим деганича йўқ.

● Исроил қуролли кучлари Фаластиндаги раҳбарларни йўқотиш бўйича режалаштирилган тадбирларини давом эттирмоқда. Бу гал улар «Фаластин озодлиги халқ фронти» ташкилотининг Рамаллада жойлашган идорасини вертолётдан ўққа тутдилар. Хабарларга қараганда, ракеталар ёмғири пайтида ушбу ҳаракатнинг Мустафо Зибри лақаби билан машҳур бўлган раҳбари Абу Али Мустафо ҳалок бўлган. Етакчисини йўқотган гуруҳнинг 800 нафарлик аъзолари Исроил билан ҳар қандай музокараларга барҳам бериш кераклигини талаб қилишмоқда.

● Шимолий Корея ҳукумати халқаро инсонпарварлик ташкилотлари вакилларининг оч аҳолига ёрдам беришлари учун мамлакатда бемалол ҳаракат қилишларига розилик берадиган бўлди. Бу қарорга келтирилаётган инсонпарварлик ёрдамларининг тўппа-тўғри ҳарбий қўшинларга кетиб қолаётгани ҳақидаги гап-сўзлар сабаб бўлган.

● АҚШ Давлат котиби К. Пауэлл **индинга,** жума куни Жанубий Африка Республикасида БМТнинг ирқчиликка барҳам бериш бўйича очиладиган конференциясида иштирок этишдан бош тортди.

● Ғарб дипломатлари Афғонистонда ушлаб турилган инсонпарварлик миссияларининг 8 нафар хорижий ходимлари билан учрашдилар. Ҳибсга олинган икки нафар америкалик ҳузурига уларнинг ота-оналари келди. Уларнинг ҳаммаси толиблар томонидан бундан уч ҳафта муқаддам насронийликни тарғиб этишдаги айб билан ҳибсга олинган эди.

## Шарқ дурдоналари

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Қалби пок ота — пок авлод асосчисидир.

● Отанинг ўз уйига ғамхўрлиги деҳқоннинг ўз ерига ишлов бергани кабидир. Ерга қанча кўп ишлов берилса — ҳосил шунча кўп бўлади.

● Илму тавозе камтарлик билан вужудга келади.

● Отадаги фазилат унинг фарзандини элга машҳур эта олмайди, боладаги фазилат эса отага шуҳрат келтиради.

● Яхши либос ҳуснни оширса ҳам, ақлга зийнат бермайди.

● Ҳаёт: доно, иродали ва кучли кишиларга жаннат; худбин, қўрқоқ ва умидсиз кишига жаҳаннамдир.

● Бир донишманд дебди:

— Сафол жомнинг бутунлиги чертиб билинганидек, одамга ҳам гапирган гапига қараб баҳо берилади.

● Ҳаёт дарсини ўқиб, олим бўлганда ҳам, яна бошқа билмаганларини сўраб ўрганиш донишмандлик белгисидир. Бу хусусда бир олим шундай деган экан:

— Менинг билимим мукаммал эмас, чунки ўз вақтида ўзимдан бир поғона паст одамларга савол беришга бўйним ёр бермади. Эндиликда истардимки, менинг шогирдларим барча ноаниқ масалалар бўйича ўзларидан бир поғона паст одамларга мурожаат этишни айб деб билишмасин. Уларнинг билимлари ўшандагина мукаммал бўлади.

Байт:

**Кимки ўрганишни уят — ор демас,**
**Сувдан дур топади, тошдан лаъл олмос.**

● Алишер Навоий айтади:

— Тилинг билан кўнглингни бир тут, кўнгли билан тили бир киши айтган сўзла бут.

ҲИКОЯТ. Луқмони Ҳакимни бир киши даргоҳида хизмат қилдирар ва ундаги илму ҳикматни гоҳи-гоҳида синаб кўрарди. Бир куни имтиҳон тарзида буюрибди:

— Аё Луқмон, менга бир қўйни сўйиб, энг яхши аъзосини олиб келгин.

— Бош устига, — дебди Луқмон ва қўйни сўйиб тили билан юрагини хожасига келтириб берибди.

Анча муддат ўтгандан кейин, хожа уни яна чақириб дебди:

— Аё Луқмон, бир қўйни сўйгин-да, менга унинг энг ёмон аъзосини олиб келгин.

Луқмон қўйни сўйиб, яна тили билан юрагини кўтариб келибди. Хожа дебди:

— Бу нечук асрорки қўйнинг энг яхши аъзосини сўрасам ҳам, энг ёмонини сўрасам ҳам тил билан юракни кўтариб келдинг?

Луқмон дебди:

— Аё хожа, агар пок бўлса, ҳеч нарса тил билан юракдан яхши эмас. Агар нопок бўлса ҳеч нарса улардан ёмонроқ эмас.

Байт:

**Бу оламда кишиким пок қалбу соф ботиндир,**
**Ҳамиша фикр кунжида қаноат бирла сокиндир.**

● Беш хислат кишини ҳар ерда азиз сақлаб, унинг дўстини кўпайтиради: ёвузликдан қўл тортса, яхшиликни шиор қилса, тухмат қилишдан этак силкитса, хушхулқ, суҳбат одобига риоя этса.

● Кайковус айтади:

— Фирибгарлардан эҳтиёт бўл ва ўзинг ҳам кишиларни алдама, чунки кишиларни алдайдиган ва уларни алдадим деб гумон қиладиган ҳар қандай киши хато қилади — у ўзини ўзи алдайди.

● Абу Али ибн Сино айтади:

— Одамларнинг ботири мушкулотдан қўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг қўрқоғидир.

● Саъдий Шерозий айтади:

— Дилга марғуб бўлган кўзга ҳам маҳбуб бўлади.

● Абдул Аъло Маарри айтади:

— Инсон ўз уйининг эшигини беркитиб, вужудини сақлай оладию, лекин қалб эшигини беркитишдан ожиз бўлади, қалбига қайғу-алам кўп вақт ҳужум этиб туради.

● Бир донишманд айтади:

— Меҳнат одамни катта фалокатдан: ғамгинликдан, муҳтожликдан, энг асосийси — касалликдан халос этади.

● Нафснинг давоси очкўзликни тарк этиш, ҳирсликка йўл қўймасликдир.

● Очиқ душман яширин душмандан хавфсизроқдир.

● Самимий дўст сени хайрли йўлга бошлайди. Ёмон йўлга бошлаганни асло дўст ҳисоблама.

● Бу дунёда ҳамма нарса ўзгаради, фақат фазилат ўзгармайди.

● Ақлли кишилар ғийбатчилардан узоқ бўладилар, чунки ғийбат энг ёмон одатлардан бўлиб, келтирадиган зарари кўпдир.

Байт:

**Айтмагил ғийбат сўзин, ҳам унга ҳеч солма қулоқ,**
**Ундан оғзинг ҳам, қулоғинг пок бўлса яхшироқ.**

● Олимлардан Фахриддин Розий айтади:

— Тиланчини қуруқ қайтариш, жоҳил билан ҳамсуҳбат бўлиш, молу дунё орттиришга ҳирслик ва оиласини маишат жиҳатидан тангликда қолдириш бадбахтлик нишонасидир.

● Машҳур донишманд Бузуржмеҳрдан: «Билимни нима нарса безайди? Шижоатничи, саҳийликничи?» деб сўрадилар.

Донишманд айтди: «Билимни — тўғрилик, шижоатни — афв қилишлик ва саҳийликни — очиқ юзлилик ва ширинсўзлик безайди».

● Олимлардан Шайх Жуманд айтади:

— Ёлғон сўзлаш эзмалик, такаббурлик, чақимчилик кишининг обрўсини йўқотади. Вафодорлик, сабр қилишлик, шошма-шошарликдан парҳез этиш ва тавозе обрўни кўтаради.

● Жалолиддин Румий айтади:

— Кумушнинг ташқи кўриниши оппоқ бўлса ҳам қўлда ва чўнтакда кўп тутилса, қора юқтиради. Шунга ўхшаш баъзи одамларнинг сўзлари зоҳирада кумуш каби порлоқ ва тоза кўринса ҳам, лекин қайғу ва зарар келтиради. Уларнинг сўзларига ишониб ғафлатда қолган соддадил одамнинг кўнгли қораланади, тубанлашади. Кўринишда гўзал, ҳақиқатда ёмонлик мисоли бўлган одамларнинг сўзларига қараманг, жамиятга қилган таъсирларига, ярамас хулқларининг қўрқинчли натижаларига қаранг, кичкинтой ёш бола чўғ-ўтни севади, куйдирса додлаб йиғлайди. Кичкинтойлар чўғдан, соддадил одамлар эса ҳийлакор, найрангбоз, мунофиқлардан куядилар.

Байт:

**Яхшилардан кўрасан меҳр-вафо,**
**Сенга етказгай мунофиқ кўп жафо.**

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ижодий жамоаси таҳририятда узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, хатлар бўлимининг мудири Зуҳра Аъзамхўжаевага қизи

**НАРГИЗАнинг**

бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎҚУВ ЙИЛИ ОЛДИДАН

# Болангиз мактабга боради...

**Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг яхши ўқишини истайди. Бу табиий. Шу мақсадда бола мактабга боргунчаёқ санашни ўргатади, ҳарфларни танитади.**

Бундай ўйлаб кўрганда, бу масалага алоҳида аҳамият бермаган оилаларда ҳам болани мактабга тайёрлаш анча барвақт бошлаб юборилган бўлади. Бунинг воситалари кўп: боланинг ўртоқлари билан ўйнаши, ота билан бўладиган суҳбати, онаси, бувисига уй ишларида ёрдамлашиши, укаларига қараши — умуман оиладаги барча ишлардан шу мақсадда фойдаланиш орқали хулқ-атворини мактабга мослаб бориш мумкин. Биринчи навбатда кун тартибига эътибор бериш лозим. Бу болаларда вақтни англаш туйғусини уйғотади, шунга яраша уларда маълум кўникма ҳосил қилади. Бола бир вақтда ётиб, бир вақтда турадиган бўлади. Ҳар куни маълум вақтда ейилган овқат ошқозон ишини яхшилайди, иштаҳа очади. Ўйиннинг ҳам белгиланган вақтда бўлиши бола кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади. Бунда бола саранжом-саришта бўлиб улғаяди. Мактабга боришга бир-икки ой қолганида кун тартибини бироз ўзгартириш лозим. Болани секин-аста соат еттида туришга одатлантира бориш зарур. Шунда у барвақт туришга қийналмайдиган бўлиб қолади. Кун тартибига қисқагина бўлса-да, эрталабки жисмоний машқлар киритилса, бола дарс пайтида тетик ва сабр билан ўтирадиган бўла боради.

Болада ўқишга иштиёқ, мактаб машғулотларига қизиқиш уйғотиш ҳақида ҳам ўйлаб кўришингиз лозим. Одатда, айрим ота-оналар ўзлари ўқиган даврдаги таассуротларни гапириб бериш орқали мактаб, ўқитувчи, дарслар ҳақида болага тушунча берадилар. Чиндан ҳам ўқиш давридаги ўз бошидан кечирган ажойиб воқеалар, синфдошлари билан дўстлик, энг муҳими, мактабда олган чуқур билимлари ҳақида айтилган ҳар бир сўз болада бўлган иштиёқни оширади, мактабга меҳр уйғотади. Фарзандининг яхши ўқишини хоҳлаган ота-оналар ўзлари билмаган ҳолда хатога йўл қўймасликлари керак. Масалан: ота ўғлига: «Мактабга борганингда беш баҳога ўқисанг велосипед олиб бераман», дейди. Бола биринчи сентябрь кунини ошиқиб кутади. Ўқитувчи берган топшириқларини бажаришга ҳаракат қилади, уй вазифасини бажаради, лекин дастлабки баҳолар кўнгилдагидек бўлмаслиги мумкин. Шундай пайт ота «Сенга велосипед йўқ» деб қолади...

Болада мактабга бўлган қизиқиш нега йўқолиб кетди?

Бу ўринда ота билан она болани беўрин қизиқтириб қўйиб, мактабнинг ўзига хос томонлари, дарсларни пухта билиш учун муттасил ҳаракат қилиш лозимлиги, умуман, мақсадга эришиш учун чидам билан меҳнат қилиш кераклиги ҳақида ҳеч қандай тушунча бермаганлиги оқибатида болада ўқишга бўлган хоҳиш тезда сўниб қолган.

Болани мактабга тайёрлашда уни қуршаб олган муҳит ҳақида айрим тушунчалар бериб бормоқ фойдадан холи эмас. Қаерда яшаши, кўчасининг номи, ота-онасининг ким бўлиб ишлаши, ҳайвон ва ўсимликлар, почтахона, магазин каби доим дуч келиб турадиган жойлар ҳақида тушунча пайдо қила бормоқ лозим. Узун-қисқа, баланд-паст, катта-кичик каби белгиларни мактабга боргунча билиб олгани яхшироқ. Бола бирдан юзгача шариллатиб санашни билса, уни тўхтатиб текшириб кўринг: тушуниб санаяптими ёки ёдданми. Мақсад ёд олиш эмас, сонларни тўғри санай билишдир. Бунга эришмоқ учун, менга иккита олма олиб бер, учта сабзи келтир, битта конфет ол, каби воситалардан фойдаланинг. Агар бола айтганларингизни тўғри бажарса, демак у саноққа тушунган. Бордику бола айтганларингизни бажаришга қийналса, янглишса ёрдамлашиб юборинг. Бунда катта сонларни айтманг. У мактабга боргунча ўнгача санашни, шу сон атрофида қўшиш, айиришни билса кифоя. Бола вақт ҳақида тушунчага эга бўлгани, бугун, эртага, индин, кеча каби сўзларни ўрнида ишлата билгани яхши. Уни бунга секин-аста кундалик ҳаётдаги сўраб бориш орқали ўргатинг: («Эртага қаерга борамиз?», «Кеча Мардонга нима бердинг?» каби). Ҳафтанинг ҳар куни ёдда қолмоғи учун ҳам оиладаги тез-тез бўлиб турадиган бирон воситадан фойдаланган маъқул. («Аданглар қайси куни дам оладилар?», «Бувингларникига қайси куни борамиз?» каби). Бола биринчи синфга боргунча турли ўлчовлар ҳақида дастлабки тушунчага эга бўлса, ҳар бир нарсанинг бўлиниши мумкинлигини билса (битта олмани иккига бўлса ярим, яна иккига бўлса чоракта), бундай тушунча унинг ҳисоб дарсини яхши ўзлаштиришига ёрдам беради.

Болани кўпроқ оғзаки гапиришга ўргатинг. Масалан, қандай ўйин ўйнагани, радиодан эшитган эртаги, телевизордан кўрган мультфильми ҳақида сўрашингиз мумкин. Муҳими — бола кўрган, эшитганларини гапира билишидадир. Орадан бир неча кун ўтказиб бирон воқеа ёки айтиб берган эртагингиз нима ҳақида эканлигини сўраш ва уни тўлиқ гапириб беришга ундаш орқали бола хотирасини чиниқтира борган бўласиз. Болани китобни эҳтиёт қилиб сақлашга ҳам мактабга боргунча ўргатинг. Бу китобга жуда кўп кишининг меҳнати кетганлиги, ёзувчи ҳикоя ёзгани, рассом ажойиб расмлар ишлагани, ишчилар босмахонада чоп қилганлари, муқовасозлар муқовалаганликлари ҳақида сўзлаб беринг. Кичик-кичик шеър, топишмоқ, мақолаларни ёд олдира борсангиз яна яхши.

Ёши еттига етиб қолган бола катталарнинг сўзини бўлмасдан, уларнинг гапига аралашмай, ўзига гапирилаётганда диққат билан тинглайдиган бўла бориши лозим. Унинг кўпчилик орасида яшаётганлиги, атрофдагиларга халақит бермай, аксинча ёрдамлашиш, одоб-ахлоқли бўлиш кераклиги ҳақида тез-тез эслатиб туринг. Болага ёшликдан раҳмдиллик, ўзидан кичикларга ёрдам берадиган, ранжитилган ўртоқларининг ёнини оладиган, ўйинчоқларини бошқалар билан баҳам кўрадиган хислатларни сингдира бориш орқали унда атрофдагиларга нисбатан эътибор билан қараш ва ҳақгўйлик каби фазилатларни ривожлантира борган бўласиз. Шу билан бирга болани бўлар-бўлмасга мақтаб, кўкка кўтариб юборманг.

Хулоса қилиб айтганда, бола турли-туман воқеалар воситасида ўсиб-улғаяди, онги тараққий этади. Бола мактабга бормасдан анча илгари уни мактабга тайёрлай бориш ҳар бир ота-онанинг шарафли бурчидир. Шундагина фарзандларнинг мактабда яхши ўқишини таъмин эта олган бўламиз.

**Ситорахон РАҲМОНБЕКОВА**



Яхши кайфият ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.

БУ — ҚИЗИҚ

# Энг, энг, энг...

● Энг катта стадион Чехословакиянинг Прага шаҳридаги Страгов стадионидир. У 1934 йилда оммавий намойиш ҳамда тадбирлар учун қуриб битказилган бўлиб, жами 240 мингта томошабинни сиғдира олади.

● Энг йирик истироҳат боғи АҚШнинг Флорида штатидаги Ориандо шаҳри яқинида жойлашгандир. «Дисней уорлд» дея номланувчи мазкур боғ жами 11332 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, қурилишига 40 миллион доллар маблағ сарфланган.

● Энг баланд минорага Канаданинг Торонто шаҳридаги Метромарказда дуч келиш мумкин. «Си Эн» дея номланувчи мазкур минoранинг баландлиги 555,34 метрга тенг. Илк пойдевори 1973 йил 12 февраль куни қўйилган ва орадан икки йил ўтар-ўтмай, 1975 йилнинг 2 апрелидаёқ қуриб битказилган. Қурилишига жами 44 миллион доллар маблағ сарфланган. 416 кишига мўлжалланган ресторан 347,5 метр баландликда жойлашган ва тинимсиз равишда айланиб туради.

**Дилдора СОДИҚОВА**




## Халқаро ўсмирлар мусобақаси

Ўтган куни Ўзбекистон Республикаси Миллий банки спорт мажмуи теннис кортларида БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси васийлигида ўтказилаётган теннис бўйича «UN Cup» ўсмирлар ўртасидаги халқаро мусобақалар бошланди.

Халқаро теннис федерацияси тақвимидан ўрин олган, рейтинг очколари бериладиган ушбу турнир қатнашчилари бўлмиш Россия, Украина, Япония, Ҳиндистон, Буюк Британия, Исроил, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон теннисчилари иштирокидаги турнирни ташкил этишга Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Ўзбекистон Миллий банки, «Фонон» ИИЧБ, «Ўздунробита», «Нестле», «Моторола», «NEC», «Найтов», «Сименс» компаниялари ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ўтган йилги «UN Cup» турнири ғолиби Фаррух Дўстов мусобақа байроғини кўтаргач, 64 қатнашчи кортдаги беллашувларни бошлаб юборди.

Ўсмирлар ўртасидаги халқаро турнир 1 сентябрь куни якунланади.

## Майдонда оилалар беллашмоқда

Шайхонтоҳур туманидаги 102-ўрта мактаб спорт залида мустақиллигимизнинг ўн йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзтелерадиокомпания ва Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигининг ташаббуси билан ташкил этилган «Биз оиламиз билан спортчиларимиз» номли мусобақалар бошланди.

Дастлаб майдонга «Сархумдон» маҳалласидан Исроиловлар ва «Оқлон» маҳалласидан Мўминовлар оиласи мини футбол бўйича беллашиш учун тушишди. Қизиқарли баҳс 5:2 ҳисобида Мўминовлар оиласи ғалабаси билан тугади.

«Тошметрополитен» ташкилотидан Лушачевлар ва «Янги шаҳар» маҳалласидан Худойбердиевлар оилалари беллашувида ҳам 5:2 ҳисобидаги ғалаба янги шаҳарликларга насиб этди.

Оилавий мусобақалар 1 сентябрда якунланади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**




# МУҲТАРАМ ҲАМШАҲАРЛАР!

## «Тошшаҳармаишийхизматуюшма»си

*пойтахтимиз аҳолисини истиқлол шодиёнасининг 10 йиллиги билан табриклайди.*

**Улуғ байрам арафаси — 31 август куни хайрия сифатида туман уюшмалари билан биргаликда қуйидаги сартарошхоналарда кекса ва ногирон мижозларга бепул хизмат кўрсатишни ташкил этади. Қўшимча маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: 55-39-01, 55-39-10.**

### Акмал Икромов тумани

1. «Миржумон» жамоа корхонасига қарашли, Чилонзор 26-мавзе, Лутфий кўчасидаги сартарошхона, тел. 72-88-43.

2. «Эркин мулк» хусусий фирмасига қарашли, Лутфий кўчаси, 55-б уйдаги сартарошхона, тел. 72-19-06.

3. «Тозадил» хусусий фирмасига қарашли, Сегизбоев кўчаси, 9-уйдаги сартарошхона, тел. 75-84-05.

### Бектемир тумани

1. «Чень-Чунь» хусусий корхонасига қарашли, Х. Бойқаро кўчаси, 108-уйдаги сартарошхона, тел. 195-19-60.

2. «Азия-Интур» хусусий корхонасига қарашли, Х. Бойқаро кўчаси, 3-уйдаги сартарошхона, тел. 195-02-18.

3. «А.О.О. Дилором» хусусий фирмасига қарашли, Бектемир деҳқон бозоридаги сартарошхона.

4. «Дуброва» хусусий корхонасига қарашли, Қўйлиқ деҳқон бозоридаги сартарошхона.

### Мирobод тумани

1. «Нозанин» хусусий фирмасига қарашли, Норхўжаев кўчаси, 166-уйдаги сартарошхона.

2. «Миробод бозори» ҳиссадорлик жамиятига қарашли, Миробод бозоридаги сартарошхона, тел. 54-06-79.

3. «А.О.О. Дилором» фирмасига қарашли, Олимбеков кўчаси, 12-уйдаги сартарошхона, тел. 90-05-17.

4. «Яна-бриз» масъулияти чекланган жамиятига қарашли, Кичик Бешёғоч кўчаси, 204-уйдаги сартарошхона, тел. 191-76-71.

### Мирзо Улуғбек тумани

1. «Гулнора СМ» хусусий фирмасига қарашли, А. Тўқай кўчаси, 33-уйдаги сартарошхона, тел. 133-54-31.

2. «Ойнали» масъулияти чекланган жамиятига қарашли, Оққўрғон кўчаси, 21-уйдаги сартарошхона, тел. 68-78-91.

3. «Моно» хусусий корхонасига қарашли, Ҳумоюн кўчаси, 3-а уйдаги сартарошхона, тел. 161-46-89.

4. «А.О.О. Дилором» хусусий фирмасига қарашли, Қодиров кўчаси, 24-уйдаги сартарошхона, тел. 63-58-78.

### Собир Раҳимов тумани

1. «Карима» хусусий фирмасига қарашли, Форобий кўчаси, 418-уйдаги сартарошхона, тел. 46-61-19.

2. «Захро» хусусий фирмасига қарашли, Себзор даҳаси, 52-а уйдаги сартарошхона, тел. 144-52-70.

3. «А.О.О. Дилором» хусусий фирмасига қарашли, Қорақамиш 1/2 даҳаси, Савдо мажмуасидаги сартарошхона, тел. 48-72-63.

4. «А.О.О. Дилором» хусусий фирмасига қарашли, Қорақамиш 1/4 даҳаси, 27-уйдаги сартарошхона.

### Сергели тумани

1. «Сергели» жамоа корхонасига қарашли, Сергели, 8-мавзе, «МУМ»даги сартарошхона, тел. 51-69-96.

2. «Сергели деҳқон бозори» акционерлик жамиятига қарашли, Сергели 6-мавзедаги сартарошхона.

3. «Ўлмасбек» жамоа корхонасига қарашли, Сергели-3 мавзе, ярмаркадаги сартарошхона, тел. 58-19-85.

### Чилонзор тумани

1. «Жасур хизмат» жамоа корхонасига қарашли, Арнасой кўчаси, 7-уйдаги сартарошхона.

2. «А.О.О. Дилором» хусусий фирмасига қарашли, Муқимий кўчаси, 158-уйдаги сартарошхона.

3. «Янги ниҳол» хусусий фирмасига қарашли, Қизил Шарқ мавзеси, 25-уйдаги сартарошхона.

### Ҳамза тумани

1. «Бинокор» маҳалласига қарашли, Строительная кўчаси, 39-а уйдаги сартарошхона, тел. 90-50-45.

2. Хусусий тадбиркор К. Пайзиевга қарашли, Бирлашган кўчаси, 1-уйдаги сартарошхона.

### Шайхонтоҳур тумани

1. «Муҳайё» хусусий фирмасига қарашли, Уйғур кўчаси, 411-уйдаги сартарошхона.

2. «Каттаҳовуз» маҳалласига қарашли, А. Хўжаев кўчасидаги сартарошхона.

3. «Оқлон» хусусий фирмасига қарашли, Уйғур кўчаси, 3-а уйдаги сартарошхона.

4. Хусусий тадбиркор А. Мирзааҳмедовга қарашли, «Исломобод» маҳалласи гузаридаги сартарошхона.

### Юнусобод тумани

1. «Ой Нур Бек» хусусий фирмасига қарашли, Юнусобод, 11-мавзе, 7-уй, 28-хонадондаги сартарошхона, тел. 125-53-14.

2. «Ал Комар» хусусий фирмасига қарашли, Машинасозлар кўчаси, 6-уйдаги сартарошхона, тел. 162-38-08.

3. «Лола» хусусий фирмасига қарашли, Юнусобод, 2-мавзе, 7-уйдаги сартарошхона, тел. 21-29-23.

### Яккасарой тумани

1. «Усто Йўлдош» хусусий фирмасига қарашли, У. Носир кўчаси, 2-уй, «Россия» меҳмонхонасидаги сартарошхона, тел. 56-29-61.

2. Кўрлар жамиятига қарашли, Бобур кўчаси, 22-уйдаги сартарошхона, тел. 53-04-02.

3. «Обод Сервис» хусусий фирмасига қарашли, Бобур кўчаси, 61-уйдаги сартарошхона, тел. 54-86-72.

4. Хусусий тадбиркор М. Мирзаевга қарашли Жанубий вокзалдаги сартарошхона, тел. 50-96-02.





Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-2707. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6